

## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИ, МУСИҚА САЪНАТИНИ ИЖТИМОИЙ ОНГГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА

Алишер Бердиевич Райимкулов

Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти ўқитувчиси  
[alisherrayimkulov@mail.ru](mailto:alisherrayimkulov@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Миллатимиз маданий хаёти кейинги юз йилликда кўплаб ўзгаришларга юз тутди. Хар ўзгариш бир синов тариқасида қайсиdir авлод рухиятида ўзига хос ўзгаришлар ясади. Оммавий маданиятни кириб келиши эса миллат маданияти ривожига бевосита таъсир этди.

**Калит сўзлар:** Глобаллашув, миллат, маданият, этнопсихология, даосизм, фарб маданияти, мусиқа, мақом, муножат, рок, поп жаз.

### THE AGE OF GLOBALIZATION, ON THE EFFECT OF THE ART OF MUSIC ON SOCIAL CONSCIOUSNESS

### ABSTRACT

The cultural life of our nation has undergone many changes over the next hundred years. Har change has made specific changes in the generation permission to some extent a test. And the penetration of mass culture had a direct impact on the development of the culture of the nation.

**Keywords:** globalism,nationality, culture, ethnopsychology, daosism,Western culture,music,status, monacities,rock,pop jazz.

### КИРИШ

Глобаллашув жарёнииз бугунги кун иқтисодий ва маданий ривожланишини тасаввур этиш қийин. Глобаллашувнинг сарҳад билмас таъсирчан кудрати барча соҳаларга жумладан маданият, маънавият ва санъат соҳасига хам ўз таъсирини ўтказмай колмади.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарихийлик нуқтаи назардан мусиқа саънати ибтидога бориб тақалади, бироқ бу саънатга ақлга мувофиқ тарзда ёндашиш жараёнида Шарқ ҳалқлари биринчилардан хисобланади. Шарқда мусиқа саънати буддавийлик фалсафаси

вужудга келгач анъанавий тарзда эътироф этила бошлади. Буддавийликлар аввалига мабудлар учун аталган мусиқасида турли хил муножатлар ва ўланларни қўллашлари кейинчалик шахс жисми ва рухиятига самовий хотиржамлик кайфиятини олиб кириши омманинг маълум қатламида ижтимоийлашув холатини юзага келтиради.

Мусиқани рухиятга таъсири даражасини будда рухонийлари азалдан билганликлари мусиқага илмий ёндашишга ундаган.

Замонавий Фарбга дао шеъриятни кириб келиши, будда фалсафасига бўлган қизиқиши ошиши ғарб мусиқа саънатига буддавийча оҳангни кириб келишига сабаб бўлди. Икки жаҳон уруши шовқинларида чарчаган Европага осойишта тинчлантирувчи оханг кириб келди. Бироқ бу жараён узоққа чўзилмади. Бойиб кетган Европага фахшга ва гиёхвандликка йўғрилган Парижни олтимишинчи йилларига монанд оммавий мусиқа эгаллади.

Туронзаминда хам бу жараён ўзига хос равища кечди. Мақом ва муножатлар, лапарлар, ўланлар оғушида мудроқ кун кечираётган Туркистоннинг сокин рухиятига шиддатли инқилоб кириб келди. Инқилоб ўзи билан барча жабхаларда ўзига мос янгилиниш олиб келди. Бу янгилиниш маданий ва маънавий хаётга зўравонлик билан менталитетга хос бўлмаган янгиликлар олиб кирди.

Бу эса мавжуд қадриятлардан воз кечилишига олиб келинди. Мустақиллик миллатимизга янгиликлар ва янги синовлар олиб келди. Ғарб ва Америкача яшаш тарзига хос бўлган оммавий маданият постсовет даври барча мустақил давлатларга глобал тарзда кириб келди.

Глобаллашув таъсирида мамлакатимизда мусиқа санъатига эркинлик юзага келди ва хориж санъатининг Ўзбекистонга кириб келишининг кучайиши натижасида миллий маданиятда янги йўналишлар пайдо бўлди. Мусиқамизга кириб келган бир қатор жанрлар, яъни рок, поп, реп, жаз ва шунга ўхшаш йўналишлар кечаётган амалий жараёнларга, миллат маданий хаётига қай тариқа таъсир этди.

Биринчидан, бутун жаҳон ёшлари орасида оммалашган намунавий мусиқа жанрлари кириб келиб, асл холда ёшларимиз дунёқарашининг ўсишига ижобий тасъсир этяпти. Келажак авлод умумбашарият мусиқа санъати намуналари билан танишди ва шунга хос билимга эга бўлди.

Иккинчидан, бунинг акси, кўчирмачилик, тақлидчилик ва нобоб сўзларни чаласаводларча ижро этиш мезони ўзининг салбий тасъсирини кўрсатди.

Шу сабабли мусиқа санъатининг бугунги ва эртанги ривожига алоҳида этибор беришимиш керак. Авваламбор, миллий санъатимизни хар қандай бегона салбий хусусият касб этивучи санъат таъсиридан, айниқса, ғарб маданияти руҳидаги оқимлар тасиридан химоя килишимиз керак.

Миллий рухиятига сифмайдиган, қалб қабул қила олмайдиган шаклбозликни кўчирмачиликни услугуб деб эмас, балки буни оддий дидсизлик деб баҳолаш мумкин.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги қундаги асосий вазифамиз глобаллашув жараёнидаги ёт ғоялар, оқимлар ва мафкуралар санъатимизга таъсир ўтказишига карши химоя чоралари кўришимиз ва миллий мусиқа санъатини қўпроқ тарғиб этишимиз, хориждан бизга кириб келаётган мусиқаларни саралашимиз ва ундан кейин ёшларга тақдим этишимиз керак.

Агар ёшларимизнинг онги ва қулоғи мана шундай енгил-елпи охангларга ўрганиб қолса, унинг бадиий дири, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши эҳтимолдан холи эмас. Маданиятга кириб келаётган мусиқа ва қўшқчилик саънати билан шуғулланишни истаган ёшлар ижодий изланиш жараёнида қандайдир янгиликлар олиб киришга харакатлар бўляпти. Индустрисал юксалиш даврида буддавийлик оханглари орқали Европа мусиқа маданиятига сокинлик олиб киришга интилиш жараёни бизда ўзига хос кўринишда яъни миллий мусиқа ва қўшиқчилик саънатига ғарб оммавий маданияти элементларини олиб киришга уриниш бўлмоқда.

Миллий ва анъанавий мусиқа ёки қўшиқни замонавий ритм ҳамда йўналишларга солишга уринишлар бўляпти, бироқ бу холат мақом шаклида ёки муножатга йўналтирилган куй ҳамда ғазалларни замонавий оҳанг билан киришиб уйғунлашиб кетиш холатлари кузатилмаяпти. Зерикарли мусиқа асарлари эса ёшлар қалбидан жой олмасдан мусиқа меросларимизга нисбатан лоқайд кайфият уйғотмоқда.

Оқибатда ёшларимиз “Шошмақом”, “Дугох”, “Сегох” ҳамда Хоразм миллий мусиқаси, миллий баҳшичилик сингари миллий меросимиз дурдоналари ёки дунё тан олган мақом йўналишидаги асарларимизни тушунишга харакат ҳам қилишмаяпти.

Мақом услугидаги мусиқа санъатини ёшлар орасида оммалаштириш етилиб келаётган авлодни этнопсихологиясида ўзгариш ясаш, уларнинг

рухиятида миллийлик, камтарлик, олийжаноблик сингари фазилатларни шаклланиб юксалишига мусиқа санъати орқалик кўмак беришимиз керак бунинг учун миллий мусиқа санъатимиз тарихига этибор бермоғимиз даркор.

Аввалам бор ёшларга Абу Наср Фаробий, Ибн Сино сингари файласуф олимларимизнинг мусиқага оид асарларини, фикрларини, таълим муассасаларида ёритиб беришимиз керак.

Мусиқа факат қўнгил иши эмас, балки илмийликка асосланган ва инсоният хамжамиятида инсонлар рухиятини ўзгартирувчи восита эканлигини уларга илмий жихатдан тушунтириш зарур.

Ўн олтинчи асрдан буён Туронзамин илмий, иқтисодий, сиёсий жихатдан мудроқ холатда бўлган бўлсада саънат такомиллашиб бораверган. Бу давр мусиқа ва қўшиқчилик саънатини миллий меросимиз сифатида ўрганиб мусиқа илми сифатида жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ундан кегин миллий мусиқамиизда сўфийлар зикр амалиётларини илмий жихаттан талқин қилиш жоиз. Улар зикр амалиётида нафақат Қуръони Карим оятлари, балки рақс ва мусиқа уйғунлигини харакат ва ният, замон ва маконга хамоханг боғлашга улгуришган.

Дунё мусиқа тарихида бундай холатлар мавжуд эмас бу холатларни англаб тахлил килиш дунё мусиқа илмида янгилик бўлиши тайин. Сўфийларни зикрларида мақом, шашмақом элементларидан ташқари мусиқанинг муножат ёналишихам иштирок этган. Муножат йўналиши етмиш йилдан зиёд мавжуд бўлган Советлар давлатида унutilган мусиқа ва қўшиқчилик йўналиши хисобланади. Сабаби янги давр янги сиёсий мафкуравий тизимлар янги мусиқага эҳтиёж сезган шу туфайли имконият даражасида миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатини инкор этиб қатағонга мажбур этган.

Совет даври талабига кўра мусиқа ва қўшиқчиликнинг диний оханглари, хамд, наът ва муножат ёналишлари санъатнинг реакцион феодал даврига хос асорати деб қаралган. Сўфийлик фалсафасини реакцион диний-мистик, фатализмга асосланган йўналиш сифатида талқин қилинган жамиятда муножат, мақом йўналишлари табийки замона рухиятида акс этиши мумкин эмас эди.

Даҳрийлик мафкуравий сиёsat юргизилган жамиятда Тангри билан яккама-якка холатда қолиб туйғуларини исхор қилиш, Тангрини хабиб, энг яқин дўст сифатида кўриб муножат қилиш холати давлатнинг маънавий ва маданий ривожланиш йоналишига қапши чиқиш билан баробар эди. Хўш, давр маданий сиёсий тизимиға мос келмаган муножат жанри ўзи нима?

Муножат - ёлғизликда тангрига сиғиниб нола қилиш у билан яккама-якка мулоқатнинг оханг шакли, тангрига рухиятдаги ўзликни сидқидилдан изхор этиш. Муножат транцендентал мулоқат тури. Тангри ва шахс мулоқотининг энг зохир туйғуларни изхор этиш усули. Муножатни қатъий белгиланган тартиб, қоида ва қофияда ижро этиш шакиллари мавжуд эмас. У инсон қалби эркинлиги, идрокдан ажраб чиққан хиссиёт парвози. Лекн муножатнинг мазмун жихатидан қатъий мавзулар болиб улар қуидагилардир:

1. Тангрига мурожаат.
2. Тангри васви ва тарифи.
3. Истихфор айтиш.
4. Тилак, мадат сўраш, илтижодир

## ХУЛОСА

Глобаллашув жараёнида миллий маданиятимиз ва ёшлар хаётига кириб келаётган ритмга асосланган мусиқанинг лотин, африка ва европа оханглари хамма вақтхам миллий рухиятга воқеликни балоғат ёшидаги гўзал туйғуларни англаш холатига ижобий таъсир этавермайди. У охангларда завқни фахшга йўналтирилган холатлари мусиқани асосини ташкил этади ва бу ўз навбатида талаба ёшлар балоғатга етган бўлишига қарамастан хали рухиятида оқ билан корани ажратиш, идрок билан хиссиёт орасида иккиланиш мавжуд бўлган бир ёш даврида улар хиссий рухиятига салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

Миллий мусиқа, мақом йўналишлари анъанавий мусиқа жараёни билан бироз бўлсада танишиш нафақат миллий қадриятларига нисбатан хурмат туйғусини ўйғотади, балки ёшлар рухиятида хотиржамликни юзага келтиради хаётда қарор қабул қилиш жараёнларида сермулоҳазаликка, режали ечим топишга, юзакиликдан қочишга ўргатади.

## REFERENCES

1. О.Шарафиддинов. Адабиётда диний оханглар. Ижодни англаш бахти. –Шарқ, 2004.
2. А.Аъзамов. Муножатнома.- Наманган.1997.
3. Умум таълим мактабларида мусиқа дарсларини ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш масалалари.Панжиев.Қ .Т.2016
4. .Баркамол авлод тарбиясида миллий мусиқанинг ўрни ва аҳамияти.Илхомов.М Современное образование. Т.2016
5. Суфий Оллоёр. Сабот ул-ожизни,-Т.Чўлпон.1991.
6. Ўзбекистон саънати. Тошкент. 2001.
7. Исмоилов X., Кубаков К. Ўзбек тўйлари. Т., 1974.